



ЮРАКЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚ УЧУН

Юракларни забт этмоқ учун
Икки йўл бор ёруғ дунёда.
Иккисидан танласанг бирин.
Қалбим, ҳеч вақт қолмайсан доғда.

Доим дўсту ёр юрагига
Оқиб киргин бўлиб куй, газал.
Ё бўлмаса ёв юрагига
Ханжар бўлиб, тиг бўлиб қадал!

5. 11. 64 й.

КҰКРАК ОЧДИМ ШАМОЛЛАРГА

Кўкрәк очдим шамолларга,
Бисотимни сарф этдим.
Улар ширин хәлләргә
Мени буткул гарқ этди.

Шамолларга битиб шүх куй
Таклиф этдим богимга.
Чаманлардан улар хушбуй
Сепишди думогимга.

Тунда уйқум қочиб кетди
Хушлаб еллар таъбиня.
Улар тонгда очиб кетди
Ғунчаларим лабини.

1966 й.

Н О Н

Онам тонгда иссиқ нон ёпди.
Ҳар нонларки, бўлиқ, пўрсилдоқ.
Устларига сал-пал сув сепди.
Нон исига тўлди уй, димоғ.

О, омажон!
Худди шу тобда
Нөз егим бор, иштахам карнай.
Тўхта, аввал иссиқ нон ёпган —
Қўлларингдан бир тўйиб ўпай.

1965 йил.

ТАНБУР

Танбур чертилганда эрийди кўнглим.
Ғарқ бўлиб кетаман хаёл наҳрига.
Ҳатто япроқлар ҳам қулоқ солар жим
Бармоқ ва симларнинг дилкаш
сеҳрига.

Тордан-торга сакраб кўчаркан ноҳун,
Товуш қуюларкан тошқин селсимон;
Кўзларим ўнгида ўтмиш ва бугун
Бор лавҳаси билан бўлар намоён.

Дерларки, бир ошиқ танбурни олиб
Эзиб чалганида «Муножот»ни.
Шаҳарнинг ҳокими мутлақ мол қолиб
Унга ҳадя этмиш бутун Ҳиротни.

Менинг хелу ҳиштим.

Етти авлодм

Сен билан кўнглини овутган, танбур!

Ҳа, яхши бўламан,

куйингда қадим —

Ота-боболарнинг орзуси жамдир.

1966 йил.

УСТОЗ ОЙБЕККА

Елкаси — кенг,

кўзи — тийрак, сочи жингила,

Хўп самимий кўришади дўстлари ила,

Зўр меҳр бор.

зўр сеҳр бор қарашларида,

Даҳо ёнар манглайида ва қошларида.

Салобат-ла юрганида титрагудай ер,

Адибларга сарбондир у, шеърниятда шер.

Қаламга эш тонг оқарса,

оқшом қуйилса,

Ҳамма танир оддийгина «**Ойбек**» дейилса,

У қадрдон қанча-қанча колхозчи билан,

Ишчи билан, гништчи билан ва бўзчи билан.

Тарихлардан савол берсанг тез берар жавоб,

Ўтмишдаги ноҳақликдан дилгир ва хуноб,
Гоҳ суҳбатдош Навоийга, Отойиларга,
Машраб каби тўғри сўзу савдойиларга.
Гоҳ сайр этар соя-салқин олтин водийни,
Андижонни, Фаргонани, Чустни, Водилни...
«Бахтигул ва Соғиндиқ»и, «Қизлар»и билан,
Ўқувчига топган ширин сўзлари билан
Синфларда, студентлар ётоғида у,
Илм-фаннинг, маърифатнинг гулбоғида у.
Айган сўзин қилмагунча тинчимайди ҳеч.
Кези билан душманлардан ола олар «Ўч!».
«Тошмуҳаммад ўғли» ёзиқ расмий ҳужжатда,
«Мусавой» деб аташади уни улфатда.
«Ойбегимиз!».

«Бизнинг Ойбек!» дейди халқимиз,
Ҳа, у билан гурурлансак тўла ҳақлимиз.
Олтиш ёшин қутлаб деймиз: — соғ
бўлсин Ойбек,
Шеъриятнинг осмонида порласин ойдек!

22 июль 1965 йил.

КАҲРАБО

Сенизг бирор гавҳар томчинг —
Топмоқ учун, каҳрабо,
На отимга босдим қамчи,
На ошдим қир, чўл, саҳро...
Сени излаб на йўл олдим
Гўзал Рига боғига.
На пиёда бора олдим
Балтика қиргоғига.
Сени кўрдим ери — гулшан,
Суви — кавсар водида.
Жаннатмакон сўлим маскан
Фарғонада, Водилда.
Сени кўрдим тик юксалган
Беш туп гужум тўп жойда.
Чойхоначи дамлаб келган
Аччиққиза кўк чойда.

7 июнь 1966 йил.

17



БОҒИСТОН

О, Богистон, қучоғингда
Кезай деб келдим.
Гулларингдан, япроғингдан
Узай деб келдим.
Она меҳринг дил-дилимдан
Сезай деб келдим.
Қувалашиб, шўх елингдан
Ўзай деб келдим,
Гулларга кон,

Оромижон

Сулув Богистоні

Тоғлар бағриг эй дилбари,
Боғларинг сўлим.
Ун беш кунлик ой сингарн
Чиройинг тўлин.
Сўқмоқ оша чўққи сари
Тушаркан йўлим.
Олис-олис юлдузларни
Тутгудай қўлим.
Гулларга кон

Оромижон

Сулув Боғистон!

Олам-олам сафо олдим
Тонг сабосидан.
Ашуламга наво олдим
Сой овозидан.
Шеърларимга оро олдим
Еллар созидан.
Бутузлай маст бўлиб қолдим
Гуллар нозидан.
Гулларга кон

Оромижон

Сулув Боғистон!

Бир ёнингда Сўқоқ, Чимён,
Бир ёнинг Нанай.
Соя-салқин огушингдан
Ўзим айланай.
Майли буюр, тошу харсанг
Устида тунай.
Буюр она, не буюрсанг
Амрингга кўнай,
Гулларга кон,

Оромнжон.

Сулув Боғистон!

1964 йил. Боғистон.

ОҲУЛАР

Олмос чўққиларда кезган чоқларим
Едимга тушади гоҳн-гоҳилар.
Едимга тушасиз овунчоқларим —
О, тоғлар эркаси, гижинг оҳулар!

Едимга тушар хуш қилнқларингиз,
Едимга тушади шўхликларингиз.
Мен сайёд эмасман, чўчимай ҳаргиз —
Тошлардан-тошларга кўчинг оҳулар.

Кезасиз юксакда ҳамда қуйида,
Арчазор қўйнида, чашма бўйида.
Тог ошдим сизни бир кўрмоқ кўйида.
Қаршимда ирғишлаб учинг, оҳулар.

Сизни кўрсам, эсга тушар тоғ қизи,
Безавол ўлканинг бегуноҳ қизи.
Ўтли илҳомимнинг ўтли париси —
Майсалар юзини ўпинг, оҳулар.

Жойингиз — тоғларнинг баланд қояси,
Чўққиси, минг тошли пиллапояси.
Бир умр кўрмангиз қайғу соясин.
Ўйнанг, оҳулар,
Чопинг оҳулар...

28 июль 1962 йил.

Х А Н Д А

Баҳор. Еш-яланглар тўп-тўп бўлишиб
Айни сайр қилиб юргулик маҳал.
Лолалар им қоқар шўх-шўх кулишиб,
Чехралари ёнар, қуёшда ял-ял.

Қизиқ! Юзларида бир дунё ханда,
Дедим: — Эви билан бўлсин ханда ҳам.
Жўрттага мен билан ўчакишгандай
Улар кулиб ётар қулаганда ҳам.

1966 йил.

БОҒ ЎРТАСИ ШОҲСУПА

Боғ ўртаси шоҳсупа,
Сиз ундан ўтганмисиз.
Бир дам қўниб, оҳиста,
Завқини тотганмисиз?

Боғ ўртаси шоҳсупа,
Кўп нашъали оқшомлар.
Кўкдаз сепар ой упа,
Дилда тошар илҳомлар.

Боғ ўртаси шоҳсупа,
Ариқ ўтар ёнидан.
Илк бор сени Шоҳиста
Шунда кўрдим, жонидан!

Бог ўртаси шоҳсула,
Шўх қизлар анжумани.
Ер, қалбга бўлдинг шифо,
Тарқади дил тумани.

БУЛБУЛ ШЎХ КУЙЛАЙДИ..

Булбул шўх куйлайди, гул тебраводи,
Гунчанинг юзига югуради қон.
Бу ҳолдан қушчанинг бағри ёнади,
Ишқидан бошлайди янги бир дoston.
Куй айтиб, куй айтиб толиққан чоғи
Уйқу оғушига олади уни.
Ҳатто тушида ҳам кулиб ёноғи
Қалбида очилар севги тугуни.

1964 йил.

13

ЁР КЕТИБ...

Кетди ёринг... мисли кўлдан кўчди гоз,
Тонг каби соф-тоза дилдан учди ёз.
Бунчалар бошинг эгибсан дилнавоз,
Кипригингга ёш олибсан ёр кетиб...

Юзларингда ўйнаган кулгу қани,
Кўзларингда яшнаган жоду қани,
Лабларингда чақнаган олу қани,
Уйлаки, ноҳун қолибди, тор кетиб...

Севганинг чексиз олис саҳродадир,
Чўлни бўстон қилгучи шерзодадир.
Эрта-индин сенга мактуб ўзадир:
«Кўп соғиндим, дилгинам зор-зор кетиб!..»

Сабр қилгин, тун тугар, ҳижрон тугар,
Кеча-кундуз чекканинг афгон тугар.
Манглайингда шуъла ўйнар, шон кулар,
Чўққиларда лола унгай, қор кетиб!..

4 сентябрь 1965 йил.

Бог ўртаси шоҳсула,
Шўх қизлар анжумани.
Ер, қалбга бўлдинг шифо,
Тарқади дил тумани.

БУЛБУЛ ШЎХ КУЙЛАЙДИ..

Булбул шўх куйлайди, гул тебранади,
Ғунчазинг юзига югуради қон.
Бу ҳолдан қушчанинг бағри ёнади,
Ишқидан бошлайди янги бир дoston.
Куй айтиб, куй айтиб толиққан чоғи
Уйқу оғушига олади уни.
Ҳатто тушида ҳам кулиб ёноғи
Қалбида очилар севги тугуни.

1964 йил.

ЁР КЕТИБ...

Кетди ёринг... мисли кўлдан кўчди гоз,
Тонг кабн соф-тоза дилдан учди ёз.
Бунчалар бошинг эгибсан дилнавоз,
Килригингга ёш олибсан ёр кетиб...

Юзларингда ўйнаган кулгу қани,
Кўзларингда яшнаган жоду қани,
Лабларингда чақнаган олу қани,
Уйлаки, ноҳун қолибди, тор кетиб...

Севганинг чексиз олис саҳродадир,
Чўлни бўстон қилгучи шерзодадир.
Эрта-индин сенга мактуб ёзадир:
«Кўп соғиндим, дилгинам зор-зор кетиб!..»

Сабр қилгин, тун тугар, ҳижрон тугар,
Кеча-кундуз чекканинг афгон тугар,
Манглайингда шуъла ўйнар, шон кулар,
Чўққиларда лола унгай, қор кетиб!..

4 сентябрь 1965 йил.

ГУМОН ЭРДИ...

Қошинг бўлмаса ҳилол бўлиши гумон эрди.

Қаддинг бўлмаса ниҳол бўлиши гумон эрди.

Богбон қкз, вафодорсан, меҳнатсевар

а у

донгдорсан,

Йўқса, боғингда камол бўлиши гумон эрди.

Бўлмаса лабинг лаъли, бўлмаса юзинг оли

Олучанг ранги ол-ол бўлиши гумон эрди.

Кулиб икки яноғинг, бол бермаса дудоғинг

Бу ошиғингда мажол бўлиши гумон эрди.

Нетайки, бугун жовон ўртада ётар ҳижров.

Ҳижронсиз севги хушҳол бўлиши гумон эрди.

Тунми, оқшом, субҳидам ҳаққингда ўй

сурмасам

Еруғ жаҳонда хаёл бўлиши гумон эрди.

декабрь, 1963 йил



**БИР ТУП ОЛМА ГУЛЛАБДИ
КУЗДА...**

Япроқларни тортқилаб, юлиб
Тўкмоқдадир кузги шаббода.
Кўзим тушди, айланиб юриб
Бир туп олма гуллабди боғда.

У баҳорда қилолмай эвин
Шу кунларга қолибди, афсус!
Баъзиларнинг қалбига севги
Шундай меҳмон бўлар авжи куз.

7. IX, 1965 йил.

ГУМОН ЭРДИ...

Қошинг бўлмаса ҳилол бўлиши гумон эрди.

Қаддинг бўлмаса ниҳол бўлиши гумон эрди.

Богбон қиз, вафодорсан, меҳнатсевар

д

донгдорсан,

Йўқса, боғингда камол бўлиши гумон эрди.

Бўлмаса лабинг лаъли, бўлмаса юзинг оли

Олучанг ранги ол-ол бўлиши гумон эрди.

Кулиб икки яноғинг, бол бермаса дудоғинг

Бу ошиғингда мажол бўлиши гумон эрди.

Нетайки, бугун жонон ўртада ётар ҳижрон.

Ҳижронсиз севги хушҳол бўлиши гумон эрди.

Тунми, оқшом, субҳидам ҳаққингда ўй

сурмасам

Еруғ жаҳонда хаёл бўлиши гумон эрди.

декабрь, 1963 йил



**БИР ТУП ОЛМА ГУЛЛАБДИ
КУЗДА...**

Япроқларни тортқнлаб, юлиб
Тўкмоқдадир кузги шаббода.
Кўзим тушди, айланиб юриб
Бир туп олма гуллабди боғда.

У баҳорда қилолмай эвин
Шу кунларга қолибди, афсус!
Баъзиларнинг қалбига севги
Шундай меҳмон бўлар авжи куз.

7. IX. 1965 йил.

* * *

Тунларни қувар эдим,
тонг бўла қолганимда,
Кунларни севар эдим
тонг бўла қолганимда.
Пўлларни ва гулларни,
ғубор босган дилларни
Шур бўлиб ювар эдим
тонг бўла қолганимда.

Февраль, 64 йил.

* * *

Юлдузларни тутмоқ бўламан,
Қўл чўзаман, тутолсам қани.
Ойни маскан этмоқ бўламан,
Талдинаман, етолсам қани.

Боләлигим бар тутқазмайди
Мисоли от — беип, беюган.
Қизиқ... яқин нарсани қўйиб
Олисини қувганим-қувган.

22. IX. 65 йил.

10,

* * *

Отам ва онам хотирасига

Олов ёққанида онам ўчоққа
Енида ўтирар эдим қулундай.
Ўйларим беқарор эди у чоқда
Осмонга ўрлаган пага тутундай.

Олов гурулларди,
Мисоли тойчоқ
Сакрардим чарс-чурс чўр чатнаганида.
Олов нималигин англадим сўнгроқ.
Отам жанг ўтидан ҳатлаганида!

* * *

Шунча кучли бўлса ҳам бургут,
Яшар ери кичик ошиён.
Шунча эркин бўлса ҳам булут
Қўнар ери чўққи, тоғ, довён.

Шунча тўлқин шалола отиб
Тошса ҳам сув; ютар бўз тупроқ.
Шунча тўймас бўлса ҳам фотиҳ
Ётар ери икки газ тупроқ.

21. VIII. 1965 йил.



**Жанг ўтган йилларга ташласам назар
Ким мажруҳ, яна ким бутун кўринар.
Жанг кечган йўлларга ташласам назар
Аҳён-аҳёнда бир тутун кўринар.**

**Ҳаётда рўшнолик юзин кўрмаган
Маъсум гўдакларнинг пок қоними у?
Е фарзанд доғида кўкка ўрлаган
Мунис оналарнинг фиғоними у?**

3 июнь 1966 йил.

• • •
Бир куни насиҳат қилганди отам:
«Уғлим, сен энг аввал одам бўл. одам!
Кулганда, кулгиндан янграсин олам,
Ингласанг, кенг жаҳон туюлсин мотам!»

апрель, 1964 йил

• • •
«Гурс» этдию йиқилди бир дуб
Титраб кетди атроф ларзадаз.
Нав-ниҳоллар хафаю, бир туп—
Қайингина шод бу нарсадан.
У кўнглидан ўтказар:

«Энди —

Барг ёзаман эркин, бемалол...»

Билмас, қишда бўрондан уни
Сақлаганин шу кекса дуб — чол!

12. XI. 64 йил.

* * *

Енма-ён турарди икки зўр қоя.
Ой-куни битди-ю, бири нуради.
Ўша кундан дўсти мунглидир ғоят,
Шўрликнинг кўнглида бир дард юради:

«Буздай бўлишингни билсам эди, о.
Мен сени доимо тутардим кафтда».
Ва лекин нураган қоядан.

пастда —
Одамлар тош йўниб қуради бино.

12 ноябрь, 64 йил

* * *

Юксак-юксакларга тикка учишни
Ҳар кун боласига ўргатар бургут:
— Одат қил тоғлардан-тоққа кўчишни,
Оппоқ булутларнинг этаггни тут!

Кўкда чарх ураркан қидириб ўлжа
Боласига шундай уқдирар қиргий:
— Қўлингга тушаркан бирор қуш — жўжа
Ўткир панжанг билан патларини қий!

1 июнь 1966 йил




Бўмбўш вайронани излаганидан
Бойўгли доимо қувгин, қочоқда.
Шинам гулхонани излаганидан
Булбул ҳамма жойда суюк, ардоқда.

Ҳамма вақт ишчану чеварлигидан
Эл ичра иззатда саҳий инак қурт.
Шиллиқ қурт тайёрга айёрлигидан
Бошини беркитар, ҳа, юзи шувут.

О, моҳир табиат, қойилман сенга,
Кўп ишларда оқил, зуккосан, яша!
Мос хислат берибсан ҳар махлуқингга
Ўз иши, феълига яраша.

18 апрель 1964 йил.



* * *

Сойга дедим:— Касби-коринг не?

— Шарқираб оқиш!

Ойга дедим:— Касби-коринг не?

— Ярқираб боқиш!

Найга дедим:— Куйлаганизг не?

— Инсонга олқиш!

* * *

Минай десам тагимда от йўқ,
Учай десам қўша қанот йўқ.
Аммо учқур хаёлларим бор,
Бусиз ўзи менга ҳаёт йўқ!

* * *

Вақти етиб эриб кетарман
Мисли сямоб, мисли сўнгги қор.
Дардларимни балки сўнгги бор
Энг яқин бир дўстга айтарман.

Ҳаёт билан видолашганим
Ким билару, ким қолар билмай,
Ҳаммасига мен доимо шай,
Ризо бўлса бас, юрт-гулшаним.

5 июнь 1965 йил.

* * *

«Чирт-чирт» узилиб тушар
Барглар ўз бутоғидан.
Яна япроқ ёзишар
Шохлар баҳор чоғидан.

Баргдек мен айри тушсам
Сендан эй, она диёр.
Атама номимни ҳам,
Фарзандим дема зинҳор!

1964 йил.

* * *

Агар барвақт оқарса сочинг,
Йиллардан кўрма,
Манглайингга бот қўнса ажни,
Йиллардан кўрма.
Бевақт эшик қоқса кексалик,
Йиллардан кўрма.
Саломига олгину алиқ,
Йиллардаз кўрма.
Ўзингдан кўр.

Демак қилмабсан

Ешлик билан дуруст ошнолик.
Ешлик билан ошно бўлмаган,
Кўрмас рўшнолик!

2. IX. 1965 йил.

* * *

Ишқимдан сўрадим: — Қўлингда не бор?

— Бир даста райҳон?

— У нечун?

— Севганинг бўлса вафодор.

Этай армуғон!

Рашқимдан сўрадим: — Қўлингда не бор?

— Олтинсоп ханжар!

— У нечун?

— Севгингни хўрласа ағёр.

Санчгум муқаррар!

* * *

Нурга урар ўзин дув-дув

Парвона тун қўйнида.

Мен ним учун нур бўлдим.

Ким ёзади кўйнида?


Офтобни севар гужум

Айланса ҳам ўтинга.

Мен ким учун қуёш бўлдим.

Ким куяди ўтимда?

25. VIII. 1965 йил.



* * *

Мен томчиман заррага тенг,
На ўт, на сел, шамолман.
Аmmo... Ёлғиз бир кимсанинг
Бошидаги хаёлман.

Мен — учқунман. кичик учқун,
Ея юрса балки йўқмаз.
Аммо битта юрак учун
Ҳам оташу ҳам чўрман.

Мен — тўлқинман. Қатраман кедр —
Тубсиз баҳри уммондан.
Аммо... олис бир кимсаннинг
Дилидаги армонман.

* * *

Тоғлар қорин ёз эритса,
Мени эслагин.
Деразангни шамол чертса,
Мени эслагин.
Елғиз уйда чироқ ёқсанг,
Мени эслагин.
Юрагингни фироқ ёқса,
Мени эслагин.
Ҳажрингда зор юрганимни
Эслагин, дилдор.
Ҳаётингга кирганимни
Унутма, зинҳор!

4. IX. 1965 йил.